

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНинг АЖРИМИ

2023 йил август ойининг 17 куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья З.Камолов, ҳайъат судьялари О.Қличев ва Т.Касимовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Бахтиёровнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори С.Хасанбоев, судланувчи АААА ва унинг ҳимоячиси адвокат Ш.Қаландарованинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2023 йил 22 июндаги ҳукмига кўра судланган:

АААА, 1994 йил 15 февралда Наманган вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, вақтинча ишсиз, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман судининг 2023 йил 20 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

2) жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар судининг 2023 йил 27 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

3) жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2023 йил 9 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 59-моддаси 8-қисми тартибида 5 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

4) жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2023 йил 12 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 59-моддаси 8-қисми тартибида 5 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

5) жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2023 йил 15 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон



Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 59-моддаси 8-қисми тартибида 5 йил 4 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ХХХ яшаган, мазкур иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар судининг 2023 йил 13 январдаги ажримига асосан «қамоққа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, илгариги ҳукмга кўра, 2023 йил 12 январдан бошлаб озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланувчи АААА томонидан келтирилган апелляция шикоятни асосида 1-1009-2304/273-сонли жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ

Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2023 йил 22 июндаги ҳукмига кўра, АААА Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб унга нисбатан шу модда билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан илгариги ҳукм билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини янги тайинланган жазога қисман қўшиб, узил-кесил, 5 (беш) йил 5 (беш) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони ўташ учун умумий тартибли колонияларга юборилиши ва жазони ўташ муддати 2023 йил 12 январдан бошлаб ҳисобланиши белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи АААА, ўзгалар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш мақсадида, 2023 йил 9 декабрь куни Яшнобод тумани “Авиасозлар” бозори олдида Тошматов Одилбек Шухрат ўғлидан “Айфон 13” русумли телефон апаратини 1.100 АҚШ долларга сотиб олишини билдириб, дастлаб О.Тошматовни ишонтириш мақсадида 300 АҚШ доллари бериб, қолган 800 АҚШ долларини 2023 йил 31 декабрь кунига қадар беришини айтиб, телефон апаратини қўлга киритиб, берган ваъдасини бажармасдан, телефон апаратини номаълум шахсга 700 АҚШ долларига сотиб, пулларни ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Судланувчи АААА апелляция шикоятида суд ҳукмини ўзгартириб, барча енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб енгиллик қўллашни сўраган.

Апелляция инстанцияси иш бўйича судья З.Камоловнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори



С.Хасанбоевнинг апелляция шикоятини рад қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи АААА ва унинг адвокати Ш.Қаландарованинг апелляция шикоятини қувватлаб, уни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Суд ҳақиқий ҳолатни аниқлашда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабига мувофиқ жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94, 95-моддалари тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Судлов ҳайъати ААААнинг жиноят содир этишдаги айби, ўз айбига иқдорлик билдириб берган кўрсатувларида ташқари, жабрланувчининг аризаси, шахсни фото суратидан таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ва унга илова қилинган суратлар, шахсни таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ва унга илова қилинган суратлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95-моддаси тартибида текширилган ва жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди томонидан ААААнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Биринчи инстанция суди, судланувчи ААААга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони йўқ деган қатъий хулосага келиб, унга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси қўллашнинг зарурияти йўқлиги учун ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ҳамда жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2023 йил 15 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда, 59-моддаси 8-қисми тартибида 5 йил 4 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан юқоридаги ҳукм билан тайинланган жазони янги тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан узил-кесил жазо тайинлашни лозим деб топиб тўғри қарор қабул қилган.

Юқоридагиларга асосан, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ААААга нисбатан қабул қилинган суд ҳукмини ўзгартириш учун асослар мавжуд эмас деган хулосага келади ва келтирилган шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁷, 497²⁵, 497²⁶, 497³¹, 497³⁶-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2023 йил 22 июндаги ААААга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, келтирилган апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497³⁶-моддаси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо

З.Камолов

Ҳайъат судьялари:

имзо

О.Қличев

имзо

Т.Касимов

Аслига тўғри:

